



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиңга бошлаган

www.xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 22 март, № 55 (7013)

Пайшана

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

Сайтимизга тиши учун QR-кодини
телефоннинг орқали сканер килинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Жонажон юртимиз — Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гузалик байрами — Наврӯзи олам кириб келмокда.

Ана шу кутугу айём — Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, мунис опасингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Калбларимиз шодлик ва кувонча тұлған мана шу нурли лаҳзарларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга баҳту саодат, файзу барака тилайман.

Кадрли дўстлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табият бағрида сайил-томошалар утказиб, Наврӯз айёмини кутиб олмоқда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача — барча юртдошларимиз катта шуду курралмик билан бир-бирини кутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табаррүк заминимизга, она-диёримизга меҳри, ўзаро ахиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўймокда.

Шу дилбар фаслда табиятдаги ўзгаришларга уйун бўйлиб, жамиятимиз, ҳәётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги ўй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чиройлаб кўшишади.

Наврӯз фалсафаси, Наврӯз қадриятлари — одамларнинг дарду ташвиши билан яшашиб, кесаларга хурмат, муҳтоҳ инсонларни ётибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаoliyitimiz мезонига айланмоқда.

Биз энг аввали оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимиз рози килишини ўз олдимизга эзгу вазифа килиб кўйганимиз. Ва бу олий мақсадлар албатта эришамиз. Шунда ҳәётимиз янада обод ва фаронов, булоқ Алишер Навоий бобомиз айтгандаридек, ҳар кунимиз Наврӯз бўлади.

Бугун миришкор деккон ва фермерларимиз катта орзунитлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдадар. Барчамиз ийимиз кутугу келсин, хосилмиз мул бўлсин, меҳнатнингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, шаларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг карорига мувофиқ Наврӯз байрами халқаро миёсда қенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бу бетакор байрам барча эзгу нияти



инсонларни бирлаштиради, уларнинг калбидаги энг ўзал ва олижаноб тўйғуларни ўйғодади. Шу боис ҳам Наврӯзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан катни назар, диёримизда яшайдиган барча юртдошларимизнинг ардокли ва севимли байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик корпусларни, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврӯз кувончини билан бирга бахам кўрмодадар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча якин ва узок давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойиштадик, равнақ ва фароновлик тилаймиз.

Кадрли ва муҳтарам юртдошларим!

Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан баҳтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга баҳт ва кувонч олиб келсин!

Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошисин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврӯз олам барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

«АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!»

Мамлакатимиз бўйлаб байрам сайиллари давом этмоқда.

Наврӯз — яшариш, янгиланиш, язгулик айёми. У мангулик тимсоли, меҳр-оқибат ризми, бағрикенглиг, саҳоват, тинчлик ҳамда фароновлик ифодасидир. Шу боис Наврӯзи оламнинг ташрифи қалбларимизга олам-олам қувонч баҳш этади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «2018 йилги Наврӯз умумхалқ байрамига тайёрларига кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, она-табиатни севиш ҳамда ардоклаш, ҳаёт

гулточи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу гояларни ўзида мухассасан этган Наврӯз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир.

Табият уйгониб, борлиқ ямайтил тусга кирган, кушлар чу-чур-чугури кулокка ҳуши ёқиб, кўнгилда, эзгу ниятилар куртак ёзётган шундай фараҳашхамзадалар бу беҳбоя байрамни беҳад согинганимизни англаймиз. Шу боис юртимиз узра катта хурсанчиллик билан тантана қили-

наётган Наврӯзга ҳуш келдинг, дея пешвоз чиқмоқдамиш.

Аслида, одамдом ҳамда таби-

Сурур

атни бири-бираидан айроҳолда тасаввур этиш мушкул. Зоро, ҳар баҳорда табиат узининг кўрку чирайи, ўйғониши билан инсон хатти-ҳарқатларига ҳам таъсир килади. Буни шу кунларда юртдошларимизнинг ободонлаштиришу кўкаламзорлаштириши юмушларига киришиб, амалга

ошираётган хайрии ишларидан ҳам англаш мумкин.

Қадим-қадимдан Наврӯз нафасат яшариш ва янгиланish айёми, шу билан бирга, Ватанга нафасатириш, эл-юртга хизмат килишдек улуғвор ниятларни амалга ошириш шодиёнаси сифатида ҳам қадрлидир. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг номи юкорида қайд этилган карорида айтгандигендек, асрлар давомида эл-юртимизнинг олижоноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврӯз мустақил-

лик йилларида янгича мазнотумнинг эга бўлиб, том маъно-мазмунга ошираётган.

Ушбу айём муносабат билан айни пайтда мамлакатимизнинг барча худудида бўлганидек, пойтахтимиз кўчалари, махаллаларида ҳам Наврӯз шукухи ҳукмон. Ҳар бир масканда байрам халқ сайли тарзида нишонланмоқда. Ҳусусан, «Ўззекспомарказ» мажмусиши юнусига муносиб тарзда безитилган.

(Давоми 2-бетда). >>>

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Наврӯз байрами арафасиди Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнгига йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарили, бу мамлакатларимиз ўтасидаги анъанавий дўстлик ришилларига янги ҳайтий куч багишидан. «Бир макон — бир йўл» лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, ҳалқаро ва мантақавмасаласадаги ўзаро алоқалар мустақамланинг бормоқда. Икки томонлама муносабатларининг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдай бўлмоқда. Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида ётибор қаратишмади ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

**Си Цзиньпин,
Хитой Ҳалқ Республикаси Раиси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хураматли Президент, азиз қардошим!

Ўлқаларимиз ўтасидаги қадимий дўстлик, кардошлик, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида мухассасан этиб, келажак авлодларга етказган Наврӯз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини хамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк ҳалқи ва шахсан ўз номидан энг самимий тилакларим ила табриклийам.

Хурамат билан,

**Режеп Тайип Эрдоган,
Туркия Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев!

Ўзбекистон ҳалқи ва шахсан ўз номидан Сизни ҳамда Сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми — Наврӯз билан самимий муборакбод этишади. Наврӯзни нишонлаш қадрлиларига асосланган манбаҳо мустақимларни ўйлида бундан бўён ҳам ривожланишига ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Сооронбай Жээнбеков,
Киргизистон Республикаси Президенти**

...

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирзиёев!

Қиргизистон ҳалқи ва шахсан ўз номидан Сизни ҳамда Озарбайжон ҳалқини милий ва маданий-маърифий табрикларимизни ўзида мухассасан этган Наврӯз байрами билан самимий кутлайман.

Ҳалқаримиз иродаси билан биз бундан бўён ҳам ривожланишига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Хурамат билан,

**Гурбангули Бердимуҳамедов,
Туркменистан Президенти**

...

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирзиёев!

Ўзим ва Озарбайжон ҳалқи номидан Сизга ва Сиз орқали қардош ўзбекистон ҳалқига самимий табрикларимизни изҳор этиш, фароновлик ва равнави мустақимларига кўчниларни маданий бойлиги хисобланади.

Чукур хурамат ила,

**Илҳом Алиев,
Озарбайжон Республикаси Президенти**

...

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳалқаро Наврӯз байрами кириб келиши муносабатлари билан Афғонистон ҳалқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига бирорада Ҳозиро Ҳалқига ўзимнинг энг самимий табрикларимизни изҳор этишади.

Муштарак байрамимиз билан янада бирор мустақимларимиз ўтасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг көнгайшига ишонч билдирираман.

**Муҳаммад Ашраф Фани,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти**

Ислоҳот

Юртимизда Наврӯз байрами шукухи кезмода. Ушбу айём халқимиз мағбаати ва турмуш фаровонлигини таъминлашга каратилган эзгу ташбус ҳамда тадбирлар билан уйгунлашиб кеттани, айниқса, диккатта сазовордир.

Бинобарин, тўйга тўёна тайёрлашдек азалий анванага кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамосиа ҳам халқимизга ўзига хос тухфа ҳозирлади. Яъни жорий йилинг 20 марта санасидан эътиборан Тошкент — Урганч ва Тошкент — Нукус — Кўнгирот йўналишидаги йўловчи поездлари янги куринган Бўхоро — Мискин темир йўл линияси орқали ҳаракатланниши бошлади.

Хозирга вактгача Тошкент — Урганч йўналишидаги поездлар 1027, Тошкент — Нукус — Кўнгирот линиясида esa 1327 километр йўл босиб, Навоий — Учкудук — Мискин магистрали орқали ҳаракатланадиган эди. Янги лойиҳа туфайли поездлар катнови қарийб 100 километр кискаради. Бу, албатта,



ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИДА ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ БОШЛАНДИ



вакт ҳамда сарф-ҳаражатларни тежашга замин яратди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 марта «Бўхоро — Мискин темир йўл линияси»ни куриш чора-тадбирлари тўғрисида “кирорига биноан, бунёд этилган янги линиянинг умумий узунлиги

355 километрга тенг. Унинг 335 километрида янги пўлат излар ётказилган бўлса, 20 километр масофадаги темир йўл тубдан таъмиранди. Йўналишдан 121 сунъий иншо, 12 та кўпрак ва 6 та йўлёткасигч ўрин олган. Шу билан бирга, йўналишда 5 та станция ҳам барпо килинди.

Ўтган йилнинг 1 декабридан эътиборан мазкур темир йўл орқали юк поездлари катнови йўлга кўйилган эди.

Ахамиятлиси, поездларнинг ҳаракатланиши вакти салкам

2 соат кискаради. Колаверса, Тошкент — Саратов, Тошкент — Волгоград, Алмати — Нукус, Андижон — Урганч, Нукус — Урганч — Термиз йўналишидаги поездлар ҳам янги темир йўл орқали қатнайди.

Темир йўлнинг иккичи босқичидаги линия электролашибтирилади. Натижада келгусида электропоездлар ҳамда юкори тезлиқдаги ҳаракатланиши “Afrosiyob” поездди катнови ҳам ўйла кўйилиши кўзда тутилган.

Дилшод УЛУФМУРОДОВ, «Халқ сўзи» муҳбери.

Хосан ПАЙДОЕВ оғлан сурʼатлор.



РЕКЛАМА ЎРНИДА

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

Ватанимиз аҳлини

Наврӯз — умумхалқ байрами билан самими қутлайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, она-диёримизнинг равнақи йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффакиятлар тилайди.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги янги омонат турини таклиф этади:

«Қўклам ифори»

Фоиз ставкаси — йиллик 16 фоиз. Маблағлар 6 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади.


Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:
**(+99871) 150-93-39,
150-72-58.**

www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!



Хизматлар лицензияланган.



Ошмисан ош бўлди

Андижонда Наврӯз байрами ўзгача рӯҳда ўтди. Ёшлар марафонида қатнашган юзлаб ўшиг-қизларнинг беллашуворида ҳам халқимизнинг ўзаро бирдамлик фазилатлари намоён бўлди. Шунингдек, ошпазлар томонидан 2 тонна миқдорида палов давлатни.



Турмуш обод, кўнгиллар шод

Навоий вилоятида ўтказилган Шарқона янги йил тадбирларида ҳам халқ, ўйнлари, фольклор санъати, мусобака ҳамда таъловслар ташкил этиши билан бирга, ёши улуг инсонлар ва ногиронлар холидан хабар олинди. Айём муносабати билан 2 минга якин эҳтиёжданд оиласлар, шу жумладан, 300 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ёғиз қариялар ходонинг давлат ва ҳамоат ташкилотлари вакилларининг байрам совғалари билан кириб бориши уларнинг кўнглини обод қилди.

Истироҳат боғида катта тантана

Тобора чирой очиб бораётган Гулистан шахрининг истироҳат боғи бу йилги Наврӯз тантаналари иштирокчиларни катта ўзгаришлар билан қарши олди. Чунонча, бу ерга ўрнатилган замонавий атракцион макхум байрамда илк бор бояжонларга хизмат кила бошлади. Богда одамларнинг сайлдан ҳар томонлама завқ олиши учун шароит яратилган барчага хушнудлик улашди.

Ҳарбий хизматчиларга шинам уйлар

Қарши шахридаги “Қашқадарё соҳили” хиёбони байрам муносабати билан ўзгача киёфа касб этди. Дарёнинг соҳиллари бўйлаб воҳа тарихи, миллий қад-

риялари, анъана ва маросимлари на-мойиш қилинди. Утовларда дўймйира чертётган бахшилар алп йигитларнинг ўзбекона гуруридан, оридан сўзлади. Чанковуз ноласи қалбларга сеҳрли сурур олиб кирди.

Наврӯз арафасида Қарши шахрида ҳарбий хизматчилар учун курилган янги кўп каватли уйлар ўз егаларига топширилди.

— Бу йилги Наврӯз оиласизга унтуиласи севинчлар башш этди, — деди Ақида Носирова. — Куни кечга замонавий талаблар асосида бунёд этилган учхонали уйга эга бўлдик.

Қулигул чеварларга иш ўринлари

Байрам арафасида Жиззах вилоятида ҳам янги объект ва корхоналар ишга туширилди. Масалан, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” дастури доирасида Дўстлик туманидаги “Манас” қишлоғида жами 216 та иш ўрнига эга иккита тикувичлик корхонаси фаолияти ўйла кўйиди. Вилоят бўйича оладиган бўлсак, янги очилган бу каби корхона ҳамда объектлар сони жуда кўп. Буларнинг ёнига давлат ва ҳамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилган хайрли ишларни кўшсак, жиззахликлар учун Наврӯзи олам нечоғи шодибага айланганини илғаб олиш қийин эмас.

«Халқ сўзи» муҳбери хабарлари асосида тайёрланди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўйтид.
Нечун ватан, дег еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор?
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?

Ёки қўёшим севгимга сабаб?
Ахир қўёшли-ку, бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғарин жаннат, деб кўз-кўз этаман.
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,
Ўнман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг
Нечун бу тупрок, деб ўйлади Фурқат,
О, Кашиқ тупроғи, қашлоқмидинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?

Сабабин айтгин, десалар менга.

Шоирона, гўзл сўзлардан олдин,

Мен таъзим қиласман она ҳалқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,
Мангу музилкларга элтган бўлсайди,
Корликларни макон этган бўлсайдинг, Мехрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар,
Майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,
Юртим, сени фақат бойликларинг чун

Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

A AGROBANK

Наврӯз айёминиз
муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

Барчангизга
соғлиқ-омонлик,
бахту саодат ҳамда
хонадонингизга файзу
барака тилаймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб,
«Агробанк» АТБ сизлар учун қулий бўлган
истеъмол кредитларини таклиф этади:



МЕБЕЛЬ



ТҮЙ
МАРОСИМЛАРИ



МАИШИЙ
ТЕХНИКА



ТУРИЗМ

UZBEKNEFTEGAZ

«Ўзбекнефтгаз»
акциядорлик жамияти жамоаси

**юртдошларимизни
баҳор байрами —
Наврӯз
билин самимий қутлайди!**

**Сизларга танисиҳатлик,
хонадонингизга осойишталик,
дастурхонингизга тўкинлик,
ишларингизда муваффақиятлар
тилади!**

**Ассалом,
Наврӯз!**

Қадрим юртдошлар!
Наврӯзи олам муборак бўлсин!
**Байрам юртишига хушкайфият,
янгилини билан бирга, янада
фаровонлик ва ўексиз олад келтирсан!**

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

0-800-1-200-200
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА КУНГИРОЛЛАР БЕПУЛ

«Микрокредитбанк»
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

**кўп миллатли Ўзбекистон халқини, ўз мижозлари
ва ҳамкорларини баҳор ҳамда яшириш байрами —
Наврӯз
билин чин дилдан табриклайди!**

**Сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик,
хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака,
баҳт-саодат, бунёдкорлик ишларингизда
улкан зафарлар тилади!**

**Байраминиң муборак,
азиз ортдошлиар!**

Хизматлар лицензияланган.

zea NS Seme

«ZAMIN EKO AGRO»
корхонаси Нови-Сад дала ва полиз
экинлари институтида (NS SEME)
етиштирилган донли,
мойли ва озуқа экинларининг
серхосил ургуларини
таклиф этади:

**МАККАЖҮХОРИ УРУГЛАРИ
КУНГАБОҚАР УРУГЛАРИ
ХАШАКИ ЛАВЛАГИ ВА
ҚАНД ЛАВЛАГИ УРУГЛАРИ
СОРГО УРУФИ
БЕДА УРУФИ**

Ургулар синовлардан
муваффакиятли утган ва сифат
сертификатларига эга.

**МУВАФФАҚИЯТ
УРУГЛАРИНИ ЭКИНГ!**

Мурожаат учун телефонлар:
(+99897) 738-10-27, 755-02-55,
130-51-21, (+99894) 160-27-24.
Факс: (0-371) 150-15-89.

www.zea.uz T.ME.AGROZAMIN

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

Бош мұхаррир Үткір РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди,
жамғи — 2 табоб. Офсет усулida босилган. Қозог бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг хидояти маълумотларини юслаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орхали салон килинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонихона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълончар (0-371) 232-11-15.

Газетанинг полиграфияни имидждан сифатин чөн этилишига
«Пар», нашриёт-матбавия акциядорлик компанияси месъул.
Боссахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбавия акциядорлик компанияси боссахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5